

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

455 Чет элда ўтказилаётган Ўзбекистоннинг миллий кўр-
газма-ярмаркалари ва халқаро кўргазма-ярмаркалар
доирасида қатнашишни ташкил этиш ва экспорт контрактлар
тузиш ишлари натижалари бўйича маҳаллий хўжалик юри-
тувчи субъектларнинг мутахассисларини рағбатлантириш тар-
тиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
24 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2393*

(2012 йил 4 окtabрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 март-
даги 73-сонли «Чет элда кўргазма-ярмарка фаолиятини янада ривожланти-
риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси
қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 12-сон, 131-модда) 4-бандига муво-
фиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар
ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қила-
дилар:**

1. Чет элда ўтказилаётган Ўзбекистоннинг миллий кўргазма-ярмаркала-
ри ва халқаро кўргазма-ярмаркалар доирасида қатнашишни ташкил этиш ва
экспорт контрактлар тузиш ишлари натижалари бўйича маҳаллий хўжалик
юритувчи субъектларнинг мутахассисларини рағбатлантириш тартиби тўғри-
сидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-
лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга
киради.

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ГАНИЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 23 август,
ЭГ-01/15-4108-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 23 август,
59-сон

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2012 йил 23 август,
СГ-5-1/6-38-сон

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2012 йил 23 августдаги ЭГ-01/15-4108, 59, СГ-5-1/6-38-сонли қарорига
ИЛОВА

**Чет элда ўтказилаётган Ўзбекистоннинг миллий кўргазма-ярмаркалари ва халқаро кўргазма-ярмаркалар доирасида қатнашишни ташкил этиш ва экспорт контрактлар тузиш ишлари натижалари бўйича маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларнинг мутахассисларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 мартдаги 73-сонли «Чет элда кўргазма-ярмарка фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 12-сон, 131-модда) мувофиқ, чет элда ўтказилаётган Ўзбекистоннинг миллий кўргазма-ярмаркалари ва халқаро кўргазма ярмаркалар доирасида қатнашишни ташкил этиш ва экспорт контрактлар тузиш ишлари натижалари бўйича маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларнинг мутахассисларини рағбатлантириш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Чет элда ўтказилаётган Ўзбекистоннинг миллий кўргазма-ярмаркалари ва халқаро кўргазма-ярмаркалар доирасида қатнашишни ташкил этиш ва экспорт контрактлар тузиш ишлари натижалари бўйича маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларнинг мутахассисларини рағбатлантириш пул мукофоти шаклида амалга оширилади.

2. Маҳаллий хўжалик юритувчи субъектлар томонидан чет элда ўтказилаётган Ўзбекистоннинг миллий кўргазма-ярмаркалари ва халқаро кўргаз-

ма-ярмаркалар доирасида қатнашишни ташкил этиш ва экспорт контрактлар тузиш ишлари натижалари бўйича тузилган экспорт контрактларидан тушган маблағлар мукофотлаш манбалари ҳисобланади.

II боб. Рағбатлантириш мезонлари

3. Рағбатлантириш маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларнинг мутахассисларига чет элда ўтказилган Ўзбекистоннинг миллий кўргазма-ярмаркалари ва халқаро кўргазма-ярмаркалар доирасида қатнашишни ташкил этиш ва экспорт контрактлар тузиш ишлари жараёнида фаол иштирок этганлик учун белгиланади.

4. Маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларнинг мутахассислари чет элда ўтказилган Ўзбекистоннинг миллий кўргазма-ярмаркалари ва халқаро кўргазма-ярмаркалар доирасида қатнашишни ташкил этиш ва экспорт контрактлар тузиш ишлари натижалари бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваригача бўлган миқдорда рағбатлантирилади ва рағбатлантириш бир молиявий йил учун фақат бир марта қўлланилади. Рағбатлантириш учун сарфланган харажатлар меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига киритилади.

5. Қуйидагилар маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларнинг мутахассисларни рағбатлантиришнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

самарали реклама кампаниясини ишлаб чиқиш ва кўргазма стендини ташкил этиш;

маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишда ташаббускорлик, уюшқоқлик ва қатъиятлилиқ билан иштирок этиш;

чет элда ўтказилаётган Ўзбекистоннинг миллий кўргазма-ярмаркалари ва халқаро кўргазма ярмаркаларда қатнашишга юқори даражада тайёргарлик кўриш;

экспорт контрактлари лойиҳаларини тайёрлаш ва амалда тузиш ҳамда маҳсулотлар экспортини амалга ошириш жараёнида кўшган ҳиссаси.

6. Мукофотларнинг аниқ миқдори ва чет элда ўтказилаётган Ўзбекистоннинг миллий кўргазма-ярмаркалари ва халқаро кўргазма-ярмаркалар доирасида имзоланган ҳар бир экспорт контракти бўйича рағбатлантириладиган мутахассислар хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

III боб. Яқуний қоида

7. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ШАЙХОВ

2012 йил 16 июль